



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 100148

между Мирзаобод тумани Электр тармоқлари корхонаси и Мирзаобод туман Хокимияти на общую сумму 3000000,00

Глава 018  
Казначейский лицевой счёт 100022860242287011204018001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	1 000 000,00			1 000 000,00
Февраль	1 000 000,00			1 000 000,00
Март	1 000 000,00			1 000 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>3 000 000,00</b>			<b>3 000 000,00</b>

Всего 3000000,00 сум

Три миллиона сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_% \*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в Июль мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



[Signature]  
(подпись)

Яриев Жонибек Музаффарович  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

[Signature]  
(подпись)

Назарбеков Шерзод Султанбекович  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ

«СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Мурзобоз ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
КОРХОНАСИ



2022 йил. 04.04

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 100148

Мурзобоз Абдурашад  
(корхона ва ташкилот номи)

Ковалев 04



ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

2022 йил 5.01 КСМ -сон

асосида фаолият юритувчи

раҳбари (кейинги ўринларда)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда асосида фаолият юритувчи

раҳбари (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади),

ҳисоб рақами – \_\_\_\_\_ инкинчи томондан маъқул шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини уланган тармоқ орқали etkazиб бериш ва Истеъмолчи истеъмолад килинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ETKAZIB BEPИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 6666,6 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВт.с

2.2. ETKazиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 25000 сўмни, тариф бўйича 450 ташиқил этади.

2.3. Истеъмолчига etkazиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (машһий истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблаглари ҳисобига сотиб олинади, давлат кнёсловидан ўтказилмади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилди, пломбалади ва рўйхатдан ўтказилди.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмолчи билан энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юктамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юктамали соатлари: эргалабқи энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечқи энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

туниги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юктамали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаовчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиған Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатиға киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрғам хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб килинади.

Ушбу Шартнома бўйича, Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври туғагандан сўнғ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) вақолатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинғ 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонаға энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва туниги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзғарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларининг кучга киришидан қаминда 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзғарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашға мажбурдир.



Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри ҳўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар амалга оширилмаган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мувожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйиладди. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўйиладди.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширадди ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим эғали.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечга объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлашиб, оператор орқали роуминг операторига юбориладди.

*(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)*

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўриятлмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўриятилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

*(6-7-иловадан реактив қувватга эга ва технологик бронзи истеъмолчилар тўловлари)*

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этимаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамига бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмининг аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5% фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорига тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китобни ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмининг тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорига, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорига пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзини ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда



Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "Бюро" томонидан мажбурий ундуровга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;  
ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;  
электр энергиясидан ўтирилик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;  
шартнома, электр таъминоти лойиҳаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;  
электр таъминот лойиҳаси ва техник шартларга мос келмаганда

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдаги қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тулов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тулов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация ҳаражатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация ҳаражатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация ҳаражатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация ҳаражатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тулов тарифлари куйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ги ЎРҚ 327-сон Қонунининг 28-моддасига асосан;

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойиши а асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмақ ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандида бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябидан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га туловларини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергиядан етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтаб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланмаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарини белгиланган тартибда қоплаш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарини қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр усқуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қура кучиб кетган тақдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АИСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

энергетика тизимининг «Электроҳисоб» компютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома.



огохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дарҳол энерготашминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электросисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуқтаси)га шунингдек бошқа бирор реқвизитлари узтарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва «Узэнергоспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиш қондалари талабларини бажариш;

Бюро ва/ёки Корхона вақтининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқалаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қондаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қўйиладиганга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (Йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоқидан узиб қўйиш;

электр ҳужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантирмай ва у билан яширмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олинган ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тўлаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзига келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиши чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мўлғазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳужалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узиллишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмайтириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли ивет сифатли электр энергияси етказиб берилганини учун;

захира манбаи автоматик ишга туширилади, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўзгаришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда факулдага ақриқ ховатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси уни билан боғлиқ булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қурilmаларини тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тутири келмаган (лойдиса талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган визолар бўйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартнома бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва ишлар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда, улар қонунийликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Шартнома 2022 йил 31 йил 12 гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайдими ва кейинги ойдан кучга кирди.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари буёдан мустасно). Ариза ишбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир қил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирига сақланётган нусха (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг рақобатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**ИСТЕЪМОЛЧИ:** *Мўғузобод ширкати Тозилим*

Юридик манзили *Мўғузобод ширкати Қўвчиқ м.*

Ҳисобрақами *100012760240007011204018001*

Банк коди (МФО) *00014* (ИНН) *20167047*

Республика ва маҳаллий бюджетдан моликлантириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

КҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_ e.mail: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг шу ҳужжатни тақдим қилиш уқти, факс телефонлари коди электрон манли ёзмадан)

Кадастр № \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООҒУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

**КОРХОНА:** *Мўғузобод ШИРКАТИ*

Почта манзили \_\_\_\_\_

Ҳисобрақами *220316000600179817422*

Банк коди (МФО) *0275* (ИНН) *200374470*

КҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

СООҒУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

Истеъмолчи: \_\_\_\_\_

*М.У. Ҳасанов*

М.У. Ҳасанов, қонунчи, Ф.И.О.

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси \_\_\_\_\_

Ўз Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январда 22-сон қарори билан талабларига мувофиқ тузилган

Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонуний талаблари қилини қилмайди.

Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунига «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» қонун талабларига жавоб берилади. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиб мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний белгиланган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги ишқоний ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқий \_\_\_\_\_



Электр таъминотининг шартномасига  
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми



1. Тариф гуруҳи Ҳ
2. Фазолият тури Ҳ
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) 10
6. Ҳисоб-китоб тури: Ду савба

Тариф тури, таъминот тарифи, бир ставкага олиб келиниш тенглаштирилган (кераклиси бўлганда)

Иил, жами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Январ	6666,6				
Феврал	2222,2				
Март	2222,2				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташқилот кунига ишлайди 8 соат, ойга 30-31 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_



Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи" юкга (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучлиги тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинвал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами		Удлов трансформаторларнинг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум' 1 кВт.с
			Корхонанинг	Бюронинг	Тоқ	Кучлиги		
ТН. 73 - Корхона								
ТН. 73 - Корхона								
ТН. 73 - Молия, Ҳ0745						380		450

Имзолар:





Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Ҳар бир электр ҳисоблаш учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Ҳисоблаш № 127 т/тоқ 127 қўланиш 127 коэффицент 127 уланган қуввати 127 кВт  
Ҳисоблашдан ўрнатилган манзил:

1. Тариф гуруҳи 001 Фаслият тури 001  
*Трифа ила чак Шисоблаш Битт. Пасога ила чак. Ақри чак. Пасо. Сабо. Корф. Ошхони. Устахона ел.???*

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйдаги электр қурилмалар мавжуд:  
а) ҳаво линиялари 0

б) кабель линиялари 0

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № 7 кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона балансидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси 0,4 кВт. 18м. 20000

3. Улардан қуйдагиларга

а) 0,4 кВт. 18м. 20000 хизмат кўрсатиши Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) \_\_\_\_\_

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиши" № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиши шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_ томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобларнинг чегараси қуйдагича белгиланди 0,4 кВт. 18м. 20000



Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйдагиларга ҳисобланади:


а) Қуввати 7 кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари 7 кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади,

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқолиш:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Русуми \_\_\_\_\_  
Қўланиши 370 кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки 47 % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:  
Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Русуми \_\_\_\_\_  
Қўланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уиларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергиясини йўқолишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолчига қаратилади



Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОВОТ

2022 йил 01 ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « 1 » 01 2022 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.с.	Табаклаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрта-дубки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун		
											соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22
	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
Жами													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табаклаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
гр 8 = гр 7\*гр 4



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қувавати	Уланган вақти		Жами
			Эргалаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВтАр 1000 Втгача 1000 Вдан юқори, жумладан.				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Втгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВтАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВтАр 1000 Втгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жисотланган тошқинотлар уланган вақтларини тўлдирини шарт эмас.



2. Реактив энергиянинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича
Январь		
Февраль		
Март		
Апрель		
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда амалдаги қувват коэффициентининг оптимал микдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги микдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устала қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинимаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10% - реактив энергиядан иктисодий қиймат микдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.


Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифи усталилар жарима санқилмас ҳисобланмайдан ва электр таъминоти шартномасига асосан ушларилди.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўлаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳузудий электр тармоқлари қорқонаси томонидан қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Узэнергоспекади"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф четларидан истеъмолчи ағона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Четирма қўйилган қиймат солиғи ҳисобга олинимаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдоридан белгиланади.



Электр таъминотининг шартномасига  
7 - илова  
Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАҲОЛАТНОМА

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_ штирокида тузилди

Ағона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзга келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши проқисз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, захарланги ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга ичунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич \_\_\_\_\_ кВт
- II босқич \_\_\_\_\_ кВт
- III босқич \_\_\_\_\_ кВт
- IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			


Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари, ичининг тўхташига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юклатиши остида қолдирилади.

б) Ёнғинга қарши захира нафослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига қирмайди (узиб-агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Қорқона билан келишилган ҳолда руҳанга қиритилиши мумкин).



Имзолар:



Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг  
электр қурилмаларининг уриятилган қуввати тугрисида

**МАЪЛУМОТ**

**А. Трансформаторлар**

Трансформаторларни уриятилган жойин	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузилиш вақтида уртача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Қучла-нишин (кВ)	Ток (А)	Қиска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриши (кВт.с)	

**Б. Бошқа ток қабул қилувчилар**


Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изоҳ
Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежам-кор (кВт)	

**В. Узга субабонент истеъмолчилар**

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Уриятилган қуввати (кВт, кВА)	Электр ҳисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изоҳ



Имзолар:





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SIRDARYO VILOYAT GULISTON SHAHAR  
YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

№ 53 № К-126  
2014 йил 14 июл

Маъмур гувоҳнома юридик шахс:

"SIRDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI"  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТХШ  
1150

Мулеччилик шакли:

МШ  
144

Почта маъноси:

МХОСТ  
1724401

Юридик шахс коди:

КТУТ  
00133238

Тармоқ коди:

ХХТУТ  
11170

Солиқ тўли:

СТИР  
200324414

Қўшимча:

М.У.

Ваколатли орган:



ЎЗБЕКИСТОН ШАХСНОМАДАШЎРАСИ  
SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR

(ИМЗО)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SIRDARYO VILOYAT GULISTON SHAHAR  
YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

№ 53 № К-126  
2014 йил 14 июл

Маъмур гувоҳнома юридик шахс:

"SIRDARYO HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI"  
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТХШ  
1150

Мулеччилик шакли:

МШ  
144

Почта маъноси:

МХОСТ  
1724401

Юридик шахс коди:

КТУТ  
00133238

Тармоқ коди:

ХХТУТ  
11170


Солиқ тўли:

СТИР  
200324414

Қўшимча:

М.У.

Ваколатли орган:



ЎЗБЕКИСТОН ШАХСНОМАДАШЎРАСИ  
SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR

(ИМЗО)